

Диний муассасалар, бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчилари,
ўспирин чоғидаги ёшлар ва барча мусулмонлар учун

РАСМЛИ
МУХТАСАР

ИЛМИҲОЛ

Ҳанафий мазҳаби асосида зарурий диний маълумотлар



Fazilet neşriyat yayınlari/47

РАСМЛИ
МУХТАСАР

ИЛМИҲОЛ

Ҳанафий мазҳаби асосида зарурий диний маълумотлар



Араб: الفقه المختصر بالصور على مذهب الامام ابي حنيفة باللغة الاوزبكية

Рус: Начальные знания по Ханафитскому Мазхабу на Узбекском языке



Ушбу китоб Қирғизистон муслмонлари диний идораси томонидан тасдиқланган. № 17/2007-й

Матбаа ва тайёрлаш

Çamlica Basım Yayın ve Tic. A.Ş.
Матбаа сертификати №: 46592



FAZİLET
NEŞRİYAT

ISBN: 978-9944-251-56-3

Истамбул 2021

Манзил:

Bağlar Mah. Mimar Sinan Cad. No:54
Güneşli-Bağcılar/İSTANBUL
Tel: 0212 657 88 00

www.fazilet.com.tr
bilgi@fazilet.com.tr

©Ушбу китобнинг барча нашр ҳуқуқлари "Çamlica Basım Yayın ve Tic. A.Ş."га тегишли.
"Fazilet Neşriyat", "Çamlica Basım Yayın ve Tic. A.Ş."нинг маркасиدير.

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА.....	9
ДИНИМИЗ ИСЛОМ	11
ДИН.....	11
ШАРИАТ	11
ИЙМОН.....	13
ИЙМОННИНГ ШАРТЛАРИ	15
АЛЛОҲ ТАОЛОГА ИЙМОН	16
СИФАТИ ЗОТИЙЯ.....	16
СИФАТИ СУБУТИЙЯ	17
ФАРИШТАЛАРГА ИЙМОН.....	19
ТЎРТ БУЮК ФАРИШТА	20
КИТОБЛАРГА ИЙМОН.....	21
СУҲУФ (САҲИФАЛАР):.....	21
КИТОБЛАР.....	22
ПАЙҒАМБАРЛАРГА ИЙМОН.....	23
ПАЙҒАМБАРЛАРНИНГ СИФАТЛАРИ.....	24
ҚУРЪОНИ КАРИМДА ИСМЛАРИ АТАЛГАН ПАЙҒАМБАРЛАР:	25
ПАЙҒАМБАРИМИЗ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ	26
ПАЙҒАМБАРИМИЗНИ ЯҚИНДАН ТАНИЙЛИК.....	30
САҲОБАЙИ КИРОМЛАР.....	34
Саҳобалар икки қисмга бўлинадилар:	35
ОХИРАТ КУНИГА ИЙМОН.....	36
ҚАДАР ВА ҚАЗОГА ИЙМОН	38
ИРОДА-И ЖУЗЪИЙЯ	38
ҚАДАР.....	41
ҚАЗО	41
РИЗҚ	41
ТАВАККУЛ.....	42
ЎЛГАНДАН Кейин тирилишнинг ҳақ эканига ИЙМОН	43
ИЙМОННИНГ ДАВОМИЙЛИГИНИНГ ШАРТЛАРИ.....	43
ИЙМОННИ ҚЎРИЙДИГАН ҚАЛЪАЛАР	45

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

МУҚАДДИМА

Инсониятни ва бутун оламларни буюк ҳикмат ва ғоя асосида яратган Аллоҳ Таолога чексиз ҳамд ва сано бўлсин.

Коинотга энг улуғ раҳмат, энг буюк шафоатчи ва энг олий пайғамбар ўлароқ юборилган Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга, аҳли байтига, саҳобаларига ва у зотга тобе бўлганларнинг барчасига салот ва саломлар бўлсин.

Илмиҳол – муслмонларнинг эътиқод ва ибодатларига оид ўрганишлари зарур бўлган тамал масалаларни ўргатувчи илмдир.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам): **“Илм ўрганишлик – эркак ва аёл барча муслмонлар учун фарз-дир”**, – деб таъкидлаганлар. Коинот фаҳри Ҳазрати Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу муборак сўзлари орқали барча муслмонларнинг билиши фарз эканини баён этган, дунё ва охират саодатига эришишда фойда берадиган илм – бу илмиҳолдир.

Шунинг учун ҳар бир эркак ва аёл муслмоннинг эътиқод ва ибодатларига доир зарур масалаларни ўрганишлиги фарз. “Зарурияти динийя” деб аталувчи ушбу муҳим мавзуларни ўрганмай ва ишонмай туриб инсон – тўлиқ ва комил муслмон бўла олмайди.

Ҳар бир муслмоннинг диний тамал масалаларни ўрганиб осон, ёдда сақлай олишига ёрдамчи бўлиш мақсадида, Ҳанафий мазҳаби асосида ушбу “Илмиҳол” китоби тайёрланди.

Аллоҳ Таоло ўз розилигига эриштирайсин! Омин.

Муҳим эслатма!

Азиз китобхон!

Қўлингиздаги асарда баъзи сура, оят ва дуолар Қуръон ҳарфларида ёзилган ва Қуръон ҳарфларини ўқишни билмаганлар учун крилл ҳарфларида ўқиши берилган. Аслида крилл ҳарфи ёрдамида Қуръонни тўғри ёдлаш имконсиз. Крилл ҳарфларида ёд олувчилар, албатта бирор моҳир устоз кўмагида ҳарфларни тўғри талаффуз қилишни ўрганиши зарур.

Диққат!

Қўлингиздаги китобда Қуръондан оят ва суралар мавжудлиги сабаб, китобни ерга ташламасдан, покиза ушлаб, эҳтиром билан фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтамыз!

Сура ва дуоларни крилл ҳарфларида ўқиганда аҳамият қаратиш зарур бўлган хусуслар:

à – (аа) чўзиб ўқилади. “**Бисмилләҳи**” каби.

ò – (оо) чўзиб ўқилади. “**Йусрò**” каби.

й – (ии) чўзиб ўқилади. “**биҳй**” каби.

ý – (уу) чўзиб ўқилади. “**лахý**” каби.

Мад яъни чўзиш ишорати: **à ò й ý** – бир алиф миқдори чўзиб ўқилади.

ДИНИМИЗ ИСЛОМ

ДИН

Дин – ақл эгаларини ўз хоҳиш ва иродалари билан дунё ва охиратда саодат ва саломатликка етказувчи илоҳий қонундир.

Аллоҳ Таоло илк инсон ва илк пайғамбар Одам алайҳиссаломдан эътиборан инсонларга пайғамбарлари орқали динни билдирган. Аллоҳ Таоло динимизни Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам билан тамомлаган. Бу дин – Ислом динидир. Ислом динига мансуб кишиларга “мусулмон” дейилади. Биз ҳам алҳамдулиллаҳ, мусулмонмиз!

ШАРИАТ

Шариат – дин маъносини билдириш билан бирга, диннинг ибодат ва муомалаларга оид ҳукмларига ҳам шариат дейилади. Яъни дин – шариат , шариат – бу дин, демакдир.